


# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • http://xs.uz • E-mail: Info@xs.uz • 2012 йил 23 май, № 100 (5520) Чоршанба


## Бунёдкорлик, изланиш ва фаоллик

**барча ютуқларимиз пойдевори, куч-қувватимиз манбаига айланмоқда**

*Ўзбекистон истиқлол йилларида шундай ривожланиш босқичига чиқиб олдики, бу янада юксак марраларни забт этиш имконини бераяпти. Шу жиҳат ҳамманинг ҳавасини келтираётгани айни ҳақиқат. Чунки ҳалиҳануз жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг бўҳронлари таъсирида кўплаб давлатлар иқтисодиёти жиддий зарар кўраётган бир пайтда мамлакатимизда барча соҳалар, айниқса, саноатда жадал ўсиш суръатлари кузатилмоқда.*



### Ислоҳот

Буни яққолроқ тасаввур қилиш қилиш учун 2011 йилда ялпи ички маҳсулот ҳажмида саноат ишлаб чиқаришининг улуши 24,1 фоизга етганини эслаш кифоя. Ваҳолонки, 2000 йилда бу кўрсаткич бор-йўғи 14,2 фоизга тенг эди, холос.

Табиий савол туғилади: бундай юқори ўсишга қандай эришилди? Қўлга киритилаётган муваффақиятлар замирида қайси омиллар мужассам?

Бугунги кунда Ўзбекистон эришаётган, дунё тан олаётган улкан натижаларнинг негизида турган асосий омил, шубҳасиз, мустақиллик даврида одамларимизнинг дунёқараши, ҳаётга, меҳнатга, ўз касбига бўлган муносабати кескин ўзгариб бораётганидир.

Президентимиз шу йил 9 май — Хотира ва қадрлаш кунига бағишлаб ўтказилган маросимда оммавий ахборот воситалари вакилларига берган интервьюсида бу ҳақда тўхталиб, жумладан, шундай деди: “Авваламбор, халқимизнинг мустақил фикрлаши, маънавий олами, ижтимоий фаоллиги ўсиб бораётгани барча ютуқларимизнинг пойдеворига, куч-қувватимиз манбаига айланаётганини сезиш, кўриш қийин эмас”.

(Давоми 2-бетда).

### Анжуман

*Тошкентдаги Халқаро савдо марказида 22 май куни савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон — Австрия қўшма комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.*

## Қўшма комиссия мажлиси

Тадбирда икки мамлакатнинг ташқи иқтисодий алоқалар, савдо, банк-молия, озиқ-овқат, қишлоқ ва сув хўжалиги, кимё саноати, электрон маҳсулотлар ишлаб чиқариш, фармацевтика, сайёҳлик каби соҳаларда фаолият кўрсатаётган қатор вазирлик ва идоралари, фирма ва компаниялари вакиллари иштирок этди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирининг ўринбосари Ш. Тўлаганов мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари кўплаб соҳаларда изчил ривожланиб бораётганини, мазкур мажлис савдо-иқтисодий ва сармоявий алоқаларни янада ривожлантириш учун янги имкониятлар очишга хизмат қилишини таъкидлади.

Мажлисда глобал молиявий-иқтисодий инқироз туфайли жаҳон бозорида маҳсулотларга талаб пасайиб бораётган бир даврда Ўзбекистонда ички бозорда талабни рағбатлантириш орқали маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш, кооперация алоқаларини мустаҳкамлаш ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар рақобатбардошлигини таъминлашга қаратилаётган эътибор ўзининг юксак самараларини бераётгани алоҳида таъкидланди. Бунда Президент Ислом Каримов раҳнамолигида узоқни кўзлаб амалга оширилаётган оқилона иқтисодий сиёсат муҳим омил бўлмоқда.

(Давоми 2-бетда).

## Юксак ишончга муносиб авлод

*Иқтидорли ёшларнинг изланиш ҳамда интилишларини қўллаб-қувватлаш келажагимиз пойдеворини мустаҳкамлаш йўлидаги эзгу юмушлар сирасидандир. Мана, бир неча йилдирки, “Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми” жамғармаси ҳамда “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамкорлигида ўтказиб келинаётган “Келажак овози” республика кўрик-танлови ҳам навқирон йигит-қизларнинг илғор ғоя ва ташаббусларини юзага чиқаришга хизмат қилмоқда.*

### «Келажак овози — 2012»

Айни кунларда мазкур танловнинг вилоят босқичлари бўлиб ўтаяпти. Куни кеча ана шундай тадбир Наманган вилоятида ташкил этилди. Беллашувнинг дастлабки босқичларида олти минг нафардан зиёд наманганлик ёшлар иштирок этишди.

Эътиборлиси, жорий йилда қатнашчиларга қулайлик яратиш ва синов жараёнлари янада адолатли ўтишини таъминлаш мақсадида танловнинг саралаш босқичлари таълим муассасаларининг ўзида ўтказилди. Унда ижодий ишлар, илмий лойиҳа ва техник ишланмалар тажрибали ҳакамлар ҳайъати хулосасига кўра баҳоланиб, 1180 нафар йигит-қиз танловнинг вилоят босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди. Навбатдаги босқичга эса Наманган шаҳридаги Ёшлар маркази, бир қатор олий ҳамда ўрта махсус таълим муассасалари мезбонлик қилди. Иштирокчилар архитектура ва дизайн, ахборот технологиялари, рационализаторлик таклифлар, техник ишланмалар, анъанавий ва амалий санъат, адабиёт ҳамда публицистика номинациялари бўйича ўзаро беллашдилар.

— Мен учун бугунги танлов натижаси жуда ҳам муҳим, — дейди Наманган муҳандислик-педагогика институти талабаси Наим Тиллаев. — Боиси, кўрикда техник ишланмам — қуёш энергияси ёрдамида уяли телефонларни қувватлантиришга мўлжалланган универсал қурилмани ҳайъат аъзолари эътиборига ҳавола қилдим.

(Давоми 2-бетда).

## Халқ маънавияти ва тарихий хотира

*Мамлакатимиз раҳбарининг Хотира ва қадрлаш кунида оммавий ахборот воситалари вакилларига берган интервьюси муносабати билан телевидение, радио ва матбуот саҳифаларида турли чиқишлар, “акс садо” талқинлар эълон қилиниб турилибди. Булар, албатта, мазкур интервьюда ўртага ташланган фикрлар, илгари сурилган ғоялар ва ечимини кутаётган қатор вазифаларнинг бугунги кунда долзарблиги, муҳимлиги ва аҳамияти билан боғлиқдир.*

### Муносабат

Журналистлар билан суҳбатдаги барча фикрларни турли кўлам ва миқёсдаги аудиторияларда, жамоатчилик ўртасида атрофлича мулоқот мавзуларига айлантириш мумкин ва зарур ҳам. Чунки бугунги таҳликали дунёда бирор фикрловчи одам четдан туриб кузатувчи бўлиши мумкин эмас. Инчунин, интервьюда кўтарилган масалалар бугунги Ўзбекистон жамиятининг ва ҳар бир фуқаронинг ўтаётган куни, истиқболи, келажак ҳаётига бевосита дахлдордир. Айтайлик, хотирасизлик, уруш ва тинчлик масаласи, миллатчилик, фашистик майлларнинг яна оловланаётгани, “оломон маданияти”нинг тобора ёйилиб бораётгани, ёшлар онги учун кураш каби ҳодисалардан сўз очилганда, бугун ким унга бефарқ, лоқайд қарай олади? Биргина “хотирасизлик” деб аталган ҳодисанинг ўзини олиб кўрайлик.

Президентимиз турли чиқишлари ва китобларида такрор ва такрор “Биз киммиз, кимнинг авлодимиз?” деган саволни ҳар бир юртдошимиз ва, айниқса, ёшлар ўз-ўзига бермоғи, унга жавоб топмоғи лозимлигини уқтиради. Ўтган йили Истиқлолимизнинг йигирма йиллиги нишонланиши арафасида эълон қилинган “Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида” китобида жамланган ҳар бир тарихий ҳужжатда ё бевосита ёки билвосита ўша савол акс этади. Бинобарин, у ҳануз долзарб. Негаки, бугун глобаллашган ҳаёт, замонавий ахборот воситалари билан қуролланган дунё онгли хотирасизликни мақсадга айлантириб бораяпти. Тарихий хотирани ибрат, сабоқланиш манбаи сифатида эмас, асосан, кўнгилочар ўйин, томоша, шунчаки эрмак воситаси деб қарамоқда ва шу қарашни тобора чуқурлаштириб, барчанинг онгу тафаккурига сингдириб бормоқда. Бунинг ёрқин мисоли уммонорти ва Ғарб мамлакатларида тарих фанини, ўз тарихий миллий қадриятларини ўрганишнинг ғоят чеклаб қўйилаётгани, ҳатто, мактаб, таълим муассасаларида умуман дарс фанлари жадвалларидан чиқариб ташланганлигидир. Шу боис сўнгги йилларда “Ғарбнинг ҳалокати”, “Тамаддунлар тўқнашуви” номли махсус асарлар ёзилмоқда, тадқиқотлар эълон қилинмоқда.

(Давоми 2-бетда).

*“Фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлур”. Дарҳақиқат, саломатлик жисмонан етуклик, ақлан баркамоллик, жасорат ва шижоат, мустаҳкам ирода демакдир. Шу боис мамлакатимизда истиқлолнинг дастлабки йилларидан бошлаб, ёш авлодни ҳар томонлама соғлом вояга етказиш борасида улкан ишлар амалга ошириб келинмоқда.*

## Баркамоллик ва шижоат машъаласи

**Навоий вилоятида бўлиб ўтадиган мусобақага йўл олди**

Хусусан, шу кунларда Навоий вилоятида умумтаълим мактаблари ўқувчилари ўртасида ўтказиладиган “Умид ниҳоллари — 2012” спорт мусобақалари бунинг яна бир ҳаётий исботидир.

Кеча Тошкент вилоятининг Паркент туманидаги Ўзбекистон Фанлар академияси “Физика-Қуёш” илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг Материалшунослик институтида “Умид ниҳоллари — 2012” республика спорт мусобақалари машъаласини қуёш нуридан аланга олдириш маросими бўлиб ўтди.

Тадбирда Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи “Ватанпарвар” ташкилоти, Республика техник ва амалий спорт турлари маркази, тегишли вазирлик ҳамда идоралар, кенг жамоатчилик вакиллари, спортчилар иштирок этди.

Президентимиз таъкидлаганларидек, “Бугунги кунда ўзининг қадр-қимммати, ғурур ва ифтихорини сақлаб, ўз кучи ва қудратига ишонган, ўз меҳнати ва ақл-заковати билан ўз келажагини қуриш, ўз юртини ҳимоя қилишга қодир бўлган давлат ва жамиятнигина дунё аҳли тан олади ва ҳурмат қилади”. Ана шундай юксак мақсадга эришишда эса, аввало, жисмонан баркамол, маънан етук, замонавий билим ва тараққиёт ютуқларини чуқур эгаллаган, иродаси мустаҳкам авлодни тарбиялаш муҳим аҳамиятга эга.

(Давоми 3-бетда).




## Электрон декларация – самарадорлик омили

*Бугунги кунда мамлакатимизда жамият ҳаётининг барча жабҳаларига ахборот-коммуникация технологияларини изчил татбиқ этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Олиб борилаётган модернизациялаш жараёнларида айнан АКТ имкониятларидан кенг фойдаланилаётгани бу борадаги фаолиятнинг тезкорлиги, сифати ва самарадорлигини оширишга хизмат қилмоқда.*

### Инновация

Ўзаро сифатли электрон ахборот алмашинувини жорий этиш, солиқ тўловчиларга қулайликлар яратиш ҳамда давлат солиқ хизмати органлари ишининг самарадорлигини ошириш, соҳага замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий қилиш мақсадида бугунги кунда Давлат солиқ қўмитаси томонидан аниқ чора-тадбирлар белгиланган бўлиб, улар босқичма-босқич амалга ошириб келинмоқда. Бу борадаги ишларга биргина мисол сифатида Давлат солиқ қўмитасининг www.soliq.uz расмий веб-саҳифасини алоҳида қайд этиб ўтиш жоиз.

Мазкур сайт йилдан-йилга такомиллаштирилиб, ҳозирги кунда уч тилда фаолият кўрсатмоқда. Сайт орқали 16 та интерактив ва бошқа бир қатор фойдали электрон хизматлар кўрсатилиши йўлга қўйилган. Энг муҳими, унинг содда ва фойдаланувчилар учун қулай ташкилий тузилиш (интерфейс)га эга эканлигидир. Қолаверса, унда солиққа оид қонун ҳужжатларига киритилаётган барча янгиликлар тезкорлик билан жойлаштириб борилаётгани туфайли ушбу сайтдан фойдаланувчилар сони кундан-кунга ошиб бормоқда.

(Давоми 2-бетда).

## Мамлакатимизда:

**Воқеалар, янгиликлар, хабарлар**

### Андижон

*Андижон шаҳридаги Алишер Навоий номли маданият ва истироҳат боғида “Биз мустақил юрт фарзандларимиз” шиори остида ёшлар фестивали ўтказилди.*

## «Биз мустақил юрт фарзандларимиз»

Вилоят ҳокимлиги ҳамда қатор давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу акцияда умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари қатнашди.

Тадбирнинг очилиш маросимида сўзга чиққанлар ёш авлоднинг ҳар томонлама етук инсонлар бўлиб вояга етишлари, ўз иқтидор ва қобилиятларини намойиш қилишлари учун кенг имкониятлар яратилганини таъкидладилар.

Вилоятнинг барча ёшлари қамраб олинган мазкур фестиваль доирасида ўтказилган турли интеллектуал ўйинлар, спорт мусобақалари, маданият ва спорт ишлари ҳамда халқ таълими бошқармалари тасарруфидаги бадиий жамоалар ва болалар ансамблларининг концерт дастурлари қатнашчиларда катта таассурот қолдирди.

**О. ШОДМОНАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Тошкент вилояти

*Пойтахт вилоятида кейинги бир йил ичида тижорат банклари томонидан 1278 нафар ишбилармон аёлнинг лойиҳаларини рўёбга чиқариш учун қарийб 22 миллиард сўмлик кредит маблағлари ажратилди.*

## Тадбиркор аёлларга имконият

Янгийўл туманилик Шоҳсанам Абраеванинг ҳам кўп йиллик орзуси банк кўмаги билан рўёбга чиқиб, тикувчиликка ихтисослаштирилган “Miss-Sanam” масъулияти чекланган жамияти фаолиятини йўлга қўйди. Корхонада айни пайтда болалар ва катталар учун турли мавсумий либослар тайёрланмоқда. Энг муҳими, 10 киши доимий иш билан таъминланган мазкур жамиятда яна ўнлаб ёшлар устоз-шогирдлик асосида касбга ўргатилаяпти.

**Ғ. ШЕРАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Сурхондарё

*Термиз шаҳридаги “Муборак Термиз” масъулияти чекланган жамиятида йилига 5000 квадрат-метр ҳажмда йўлак тўшамалари ҳамда томёпқичлар ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.*

## Буюртмалар кўпаймоқда

— Корхонамиз цехларини замонавий технология ва ускуналар билан жиҳозладик, — дейди тадбиркор Нурмуҳаммад Жалилов. — Маҳсулот сифатли бўлса, уни мижознинг ўзи излаб топади. Эндиликда янги технология асосида ишлаб чиқарилаётган йўлак қопламалари ва томёпқичларга кўплаб буюртмалар олаяпмиз.

Вилоятда жорий йилнинг биринчи чорагида тижорат банклари томонидан қурилиш материаллари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган кичик бизнес субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш учун 7,4 миллиард сўмлик кредит маблағлари йўналтирилди.

**Н. ТЕМИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Дастурий маҳсулотлар бозори ва қонунчилик

*Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги билан ҳамкорликда давра суҳбати ташкил этди.*

Парламент ҳаёти

Дастурий маҳсулотлар бозорини ривожлантиришга доир қонун ҳужжатлари базасини такомиллаштиришга бағишланган мазкур тадбирда қуйи палата депутатлари, тегишли вазирлик ва идоралар, корхоналар вакиллари, дастурчи-муҳандислар, эксперт-мутахассислар қатнашди.

Маълумки, бугунги глобаллашув жараёнлари давлат ва жамият қурилиши тизимига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг татбиқ қилишни тақозо этмоқда. Бу, ўз навбатида, иқтисодиётнинг муҳим таркибий қисми сифатида инновацияни тараққий топтириш, соғлом рақобатни ривожлантириш, валюта тушумини кўпайтириш, импорт ўрнини босувчи миллий маҳсулотлар ишлаб чиқариш сиёсатини амалга оширишда муҳим аҳамиятга эгадир.

Тадбирда мамлакатимизда ахборот-коммуникация технологиялари, шу жумладан, софтвер индустриясини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани, бунинг учун зарур ҳуқуқий-меъёрий, ташкилий пойдевор яратилгани ва у замон талаблари асосида такомиллаштириб борилаётгани таъкидланди. Буларнинг барчаси юртимиз ахборот технологиялари бозори, чунончи, дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқариш жабҳасини кенг қўллаб-қувватлаш, унга имтиёз ва преференциялар беришда яққол намоён бўлмоқда. Пировардида аҳолининг ахборот соҳасидаги конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, республикамиз иқтисодий-ижтимоий салоҳиятини юксалтириш борасидаги имкониятлари кенгаймоқда.

— Бугун дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқарувчилар фаолиятини рағбатлантириш давлатимизнинг диққат-эътиборида турибди, — деди қўмита аъзоси Р. Гаймова. — Шу мақсадда комплекс чора-тадбирлар ҳаётга татбиқ қилинмоқда. Натижада ҳозирги кунга келиб соҳанинг мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини юксалтиришдаги роли кучайиб бормоқда. Хусусан, тегишли корхоналарнинг ишлаб чиқариш қувватлари равнақ топиб, улар жамият ҳаётидан чуқур ўрин эгалламоқда. Албатта, бу демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштиришнинг муҳим шартидир.

Давра суҳбатида Президентимизнинг тегишли Фармон ва қарорлари бу борада муҳим дастуриламал бўлаётганига алоҳида урғу берилди. Жумладан, давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 21 мартдаги "Замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада жорий этиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори мазкур йўналишда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мантиқий давомига айланди.

Бир қатор солиқ ва божхона имтиёзлари, преференциялар берилгани эса тармоқ ривожига хизмат қилмоқда. Айни пайтда софтвер тизимидаги корхоналар сони 235 та, рўйхатга олинган дастурий маҳсулотлар миқдори 294 тага етгани бунинг яққол тасдиғидир.

Йиғилишда мазкур тармоқни янада ривожлантириш, очиқ кодли дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, лицензияланган дастурий маҳсулотлардан самарали фойдаланишга оид ҳуқуқий механизмларни такомиллаштиришга доир фикр-мулоҳазалар билдирилди. Унда тегишли қонунлар ижросини янада мустаҳкамлаш, дастурий таъминот бўйича ҳисобот ва статистик маълумотлар шаклларини ривожлантириш, иқтисодиётнинг реал сектори корхоналари, давлат тузилмалари, йирик компания ва ташкилотларнинг зарур дастурий маҳсулот бўйича портфелини шакллантириш, буюртмаларни жойлаштириш, АКТ имкониятларидан таълим тизимида янада унумли фойдаланиш каби масалалар муҳокама қилинди.

Давра суҳбатида маҳаллий дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, экспорт салоҳиятини оширишнинг институционал ҳамда бошқа шароитларини яратиш мақсадга мувофиқлиги қайд этилиб, таклиф ва тавсиялар билдирилди.

**Саиджон МАХСУМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**



# Бунёдкорлик, изланиш ва фаоллик

## барча ютуқларимиз пойдевори, куч-қувватимиз манбаига айланмоқда

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Дарҳақиқат, истиқлол бизга эркин яшаш ва ишлаш имконини берди. Натижада барча соҳаларда бўлганидек, саноатда ҳам халқимизнинг бунёдкорлик ва яратувчанлик салоҳияти яққол намоён бўлиб, гигант корхоналар барпо этилди. Қўнғирот сода заводи — ана шундай ишлаб чиқариш қувватларидан бири. Экспертларнинг Қўнғирот сода заводи Ўзбекистон иқтисодиётининг қудрати, бунёдкор халқининг юқори салоҳиятининг амалдаги инъикосидир, деган эътирофи замирида ана шу ҳаёт ҳақиқати мужассамдир.

Ушбу завод кўлами ва ишлаб чиқараётган маҳсулот тури бўйича ноёб ҳисобланади. Сабаби, ёғ-мой ва тўқимачилик саноати, ойна ва ювиш воситалари тайёрлашда кенг қўлланиладиган муҳим хом ашё — кальцийланган сода тайёрлаш дунёнинг саноқли давлатларидагина ўзлаштирилган. Ўзбекистон улар орасида пешқадамлардан ҳисобланади. Боиси, бу ерда йилига 100 минг тонна мазкур турдаги маҳсулот ишлаб чиқарилади.

Хорижнинг энг замонавий технологик линиялари билан жиҳозланган заводда хом ашё ишлаб чиқаришга киришилгач, кальцийланган соданинг импорти буткул тўхтатилди. Унга бўлган ички эҳтиёж тўлиқ таъминланиб, ҳатто экспорт бўйича буюртмалар олина бошланди. Айни пайтда завод маҳсулоти қўшни ва олис мамлакатларга етказиб берилаяпти. 2011 йилда 24 минг тонна хом ашё экспорт қилингани бунинг исботидир.

Заводнинг қарийб 1500 кишилик жамоаси ортиб бораётган эҳтиёжни тўлиқ таъминлаш, буюртмаларни ўз вақтида етказиб бериш мақсадида меҳнат қилишмоқда. Натижада 2012 йилнинг биринчи чорагида 23 минг 150 тонна саноат хом ашёси тайёрлашга эришилди.

Корхонада маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини муттасил ошириш, айни чоғда унинг таннархини камайтириш бўйича аниқ чора-тадбирлар амалга оширилаётгани қувонарлидир. Бу эса кутилган самарани бераётир: жорий йил биринчи чорагида хом ашё нархи 9,5 фоизгача арзонлаштирилди. Бу — саноат корхоналари ихтиёрида 1 миллиард 400,4 миллион сўм миқдорида маблағ тежаб қолинди, деганидир.

Таъкидлаш керакки, минтақада ягона бўлган ушбу корхона наинки кимё саноати, балки ҳудуд ижтимоий-иқтисодий ҳаётида янги саҳифалар очиб бергани билан ҳам ғоятда аҳамиятлидир. Негаки, Қўнғирот сода заводининг ишга туширилиши туфайли Оролбўйи минтақасидаги бой табиий захираларни ўзлаштириш, ош тузи ва оҳактош конларида саноат усулида маҳсулот тайёрлашга киришилди. Буларнинг бари, энг аввало, бу ерда истиқомат қилаётган аҳолининг турмуш фаровонлиги, ҳаёт даражаси яхшиланиши, қисқача айтганда, инсон омилига хизмат қилаётир. Бунинг исботини Қўнғирот сода заводи қошида бунёд этилган Элобод шаҳарчасининг бугунги ҳаёти мисолида яққол кўриш мумкин.



Элобод — чиндан ҳам номигамос обод гўша. Кейинги йилларда ҳудудни янада ободонлаштириш, янги ижтимоий инфратузилма объектлари барпо этиш ишлари тобора кенг кўлам касб этаётир. Мактаб ўқувчиларининг ёзги таътили арафасида, масалан, сув ҳавзаси фойдаланишга топширилиши болажонлар учун муносиб туҳфа бўлди.

Айни пайтда шаҳарчада болалар боғчаси, мактаб, Қўнғирот кимё-технология касб-ҳунар коллежи, Тошкент кимё-технология институтининг махсус сиртқи бўлими, Маданият саройи, чойхона, савдо дўконлари ва бошқа хизмат кўрсатиш шохобчалари фаолият юритаяпти. Таълим муассасалари билан корхона ўртасида мустаҳкам ҳамкорлик ўрнатилгани ёшларнинг етук мутахассис сифатида шаклланишида қўл келаётир.

Гап шундаки, таълим тизимига замонавий технологиялар жорий қилиниб, ўқиш амалиёт билан уйғунликда олиб борилаяпти. Натижада коллежни битирган ёшларнинг аксарияти ушбу заводга ишга қабул қилинмоқда. Яқинда 67 нафар битирувчи билан меҳнат шартномалари тузилгани бунга мисол бўла олади.

— Ўтган йили ўқишни тамомлаб, заводга ишга кирдим, — дейди Гулпаршин Нуримбетова. — Бу ерда ўз мутахассислигим бўйича лабораторияда меҳнат қилаяпман. Ўқиб-ўрганганларимни амалиётда қўллаётганимдан жуда хурсандман. Келгусида Тошкент кимё-технология институтининг махсус сиртқи бўлимида таҳсил олиб, етук мутахассис бўлиш ниятидаман.

Корхонада Гулпаршинга ўхшаган ёшлар кўпчиликни ташкил қилади. Аниқроғи, ишчиларнинг 80 фоизи ёш мутахассислардир. Уларнинг бирини бошқарув пульти олдида учратсангиз, бошқаси маҳсулот сифатини текшираётгани ёхуд уни қадоқлаётганига гувоҳ бўласиз. Бундан кўринадики, улар ўз иқтидори билан мураккаб технологик жараёнларни бошқаришни бемалол уддалашмоқда.

— Ҳадемай, Қўнғирот сода заводининг иккинчи босқичини бунёд этишга киришамиз, — дейди завод директорининг қурилиш ишлари бўйича ўринбосари Мавлон Худойбергенов. — Лойиҳа якунлангач, 200 та иш ўрни яратилади. Бу иш жойларига, асосан, касб-ҳунар коллежи ва сиртқи бўлим битирувчиларини жалб қилиш кўзда тутилган. Энг асосийси, янги қувват фойдаланишга топширилиши билан йилига қўшимча равишда 50 минг тонна кальцийланган сода тайёрлаш имконияти вужудга келади.

Ишлаб чиқариш ҳажмининг ошиши корхона экспорт салоҳиятининг юксалишига, демакки, иқтисодий тараққиётимизнинг янада жадаллашувига хизмат қилади. Бундан, энг аввало, ўз бахтини ушбу заводда деб билиб, кўркам шаҳарчада умргузаронлик қилаётган саноатчилар манфаатдор. Зеро, юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар айнан шу мақсадга — инсон омилига қаратилгандир!

**Саид РАҲМОНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**СУРАТЛАРДА:** Қўнғирот сода заводи фаолиятидан лавҳалар.

**Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.**

# ҚЎШМА КОМИССИЯ МАЖЛИСИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ўзбекистон билан Австрия иқтисодий муносабатлари савдо-иқтисодий ҳамкорлик, сармояларни ўзаро ҳимоялаш ва рағбатлантиришга оид битимлар каби қатор ҳужжатларга асосланади. Бу борада мамлакатларимиз ўртасида энг кўп қулайлик яратиш тизими жорий этилган. Ўзаро сармоявий ҳамкорлик кўлами муттасил кенгаймоқда, мамлакатимизда Австрия сармояси иштирокидаги 31 қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда. Улар, асосан, полиграфия, тўқимачилик, пойабзал, фармацевтика, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш каби соҳаларга ихтисослаштирилган. Австриянинг 10 етакчи фирма ва компанияси юртимизда ўз ваколатхонасини очган.

— Австрия ишбилармонлари Ўзбекистон билан автомобилсозлик, қурилиш, энергетика, қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат маҳсулотларини қайта ишлаш каби соҳаларда ҳамкорлик ўрнатишга катта қизиқиш билдирмоқда, — деди Австрия Республикаси иқтисодиёт, оила ва ёшлар ишлари федерал вазирлигининг ташқи иқтисодий алоқалар бўйича бош директори Франц Вессиг. — Истиқболда ўзбекистонлик ҳамкорлар билан кўплаб қўшма лойиҳалар устида ишлашни режалаштираяпмиз.

Мажлисда ўзаро савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантиришнинг истиқболли йўналишлари юзасидан атрофлича фикр алмашилди. Савдо, банк-молия, қишлоқ ва сув хўжалиги, озиқ-овқат саноати, электр техникаси ҳамда сайёҳлик каби соҳалардаги алоқаларни янада кенгайтириш, Австрия компанияларини мамлакатимиздаги хусусийлаштириш жараёнига кенг жалб этиш, қўшма корхоналар сони ва ўзаро товар айирбошлаш ҳажмини кўпайтириш, ҳамкорликда истиқболли лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш масалалари муҳокама қилинди.

**Мадина УМАРОВА,**
**ЎзА мухбири.**

# Халқ маънавияти ва тарихий хотира

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ана шундай даврда "тарихий хотирасиз маънавий тараққиёт бўлиши мумкин эмас" деган ғоя Ўзбекистонда илгари сурилаётгани ва бу ғоянинг фақат назарий фикр, шиор бўлиб қолмасдан, амалий йўсинга кўчирилгани ҳамда шу йўлдан оғишмай кетилаётганининг яна бир далили Хотира ва қадрлаш кунининг жорий этилиши, умумхалқ байрами сифатида нишонланишидир.

Қатор мамлакатларда 9 май — Ғалаба байрами сифатида уруш қурбонларини ёд этиш ва замонавий ҳарбий қудратни намойиш қилиш тадбирига айланиб, хотирадан кўра "мен зўрман" деган худпараст ниятни кўз-кўз қилиш майлига зўр берилаётган даврда, юртимизда байрамга умуминсоний мазмун бағишлаш ва уни анъана ҳамда қадриятлар билан уйғунлаштириб, ниҳоятда ўзига хос, бетакрор ҳодисага айлантириш ғояси илгари сурилди ва ҳаётга татбиқ этилди. Натижада халқимиз маънавий ҳаётида яна бир моҳиятан янги умуминсоний-миллий қадрият — Хотира ва қадрлаш куни умумхалқ байрами пайдо бўлди. Билҳодиса, унинг мазмунига ниҳоятда мувофиқ рамзий шакллар — тимсоллар ҳам кашф этилди. Юртбошимиз ташаббуси билан "Номинг номаълум, жасоратинг абадий" деб ёзиб қўйилган мавҳумлик ўрнига ўз фарзандини гўёки ҳовлисидаги айвонда интизор кутаётган ўзбек онаси тимсоли — "Мотамсаро она" ёдгорлик ҳайкали яратилиб, ўрнатилди. Ва ҳайкал пойига "Сен ҳамиша қалбимдасан, жигарим!" деган онанинг қалб нидоси битиб қўйилди. Бу қандайдир мубҳам тимсоллар билан тантана қилинувчи ижтимоий-сиёсий тадбирни тамомила ўзгартириб, унга соф миллий тус бериб, мазкур санани халқ маънавиятининг ажралмас бир қисмига айлантиришнинг бағоят ибратли намунаси бўлди. Бинобарин, она тушунчаси бизда энг муқаддас ҳисобланган Ватан, замин, тил тушунчалари билан бирга ёндош қўлланадики, мамлакат раҳбари халқ руҳиятидаги ана шу соф миллий хусусиятни теран ҳис этиб, унинг амалий ифодасини таклиф қилди. Бу ҳам Хотира ва қадрлаш кунининг Ўзбекистонда табаррук қадриятга айланишида муҳим аҳамият касб этди.

Халқ маънавиятини тарихий хотира уйғунлигида юксалтиришнинг бу каби мисолларини кўплаб келтириш мумкин. Зеро, хотирасиз инсон ўз оёғи турган таг-заминини ҳис этолмайди, турли мақомларга йўрғалайди, ёт таъсирларга берилади. Ўзбекистон халқи Хотира ва қадрлаш куни каби юксак қадриятлари билан бу масалаларда ўз йўли, йўналишини аллақачон белгилаб бўлган.

**Шуҳрат РИЗАЕВ.**

# Юксак ишончга муносиб авлод

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Тажриба нусхаси илмий лабораторияда муваффақиятли синовдан ўтган мазкур ишланма кичик қувватли техникани электр энергияси билан таъминлашга хизмат қилади. У "Келажак овози" кўрик-танловида ҳам юқори баҳоланса, амалиётга татбиқ этиш имкони туғилади.

Танлов доирасида "Фонд форум", "Келажак овози" ёшлар ташаббуслари маркази ҳамда қатор ҳамкор ташкилотларнинг лойиҳа ва дастурлари тақдимоти ҳам ўтказилди. Интерактив лойиҳа тарзида ташкил этилган мазкур тадбирда ташкилотчиларнинг ёшлар иқтидорини юзага чиқаришга қаратилган бошқа кўплаб лойиҳалари ҳақида ҳам батафсил маълумотлар берилди.

Тадбир сўнгида ғолибларга диплом ҳамда эсдалик совғалари топширилди.

* * *

Жиззах вилоятида эса бу йил "Келажак овози" кўрик-танловида иштирок этган ёшлар сони беш минг нафарга яқин бўлди. Тўрт номинация, 15 йўналиш бўйича ташкил этилган вилоят босқичи беллашувида 1080 нафар истеъдод соҳибининг ижодий ишлари сараланди. Ушбу тадбирлар Жиззах давлат педагогика институти, Маънавият тарғибот маркази вилоят бўлими, Юнус Ражабий номидаги вилоят мусиқали драма театри ва 1-сонли болалар мусиқа ва санъат мактабида бўлиб ўтди.

— Беллашувда қатнашиш истагидаги ёшлар сафи йилдан-йилга кенгайиб бормоқда, — дейди "Келажак овози" ЁТМ координатори Жаҳонгир Баҳромов. — Кўрикнинг шаҳар, туман ҳамда вилоят босқичларида қатнашган ёшларнинг ижодий ишлари орасида қизиқарли лойиҳалар кўплаб топилади. Энг муҳими, уларнинг бу интилиши қатъий тартиб-интизом асосида холис баҳоланди.

"Келажак овози — 2012" кўрик-танловининг вилоят босқичи ғолиблари энди пойтахтимизда бўлиб ўтадиган қизғин беллашувларга тайёргарлик кўрадилар.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,**
**Улуғбек АДИЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбирлари.**

Тадбир

*Пойтахтимизда демократик ислоҳотларнинг ошкоралиги ва очиқлигини таъминлашда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг ОАВ билан ўзаро ҳамкорлигига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.*

# Ахборот соҳасидаги ҳуқуқ ва эркинликларни таъминлаш

## демократик жамият асосларини барпо этишнинг муҳим шартидир

Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХҲТ)нинг мамлакатимиздаги лойиҳалари координатори ҳамда Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро маркази томонидан ташкил этилган мазкур тадбирда парламентимиз аъзолари, тегишли ташкилотлар ва идоралар вакиллари, матбуот хизматлари ходимлари ҳамда журналистлар қатнашди.

Маълумки, Президентимиз томонидан тақдим этилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлашга оид қатор қонунчилик ташаббуслари илгари сурилиб, оммавий ахборот воситаларини одамлар ўз фикр ва ғояларини, содир бўлаётган воқеаларга муносабати ва позициясини эркин ифода этадиган минбарга айлантирмасдан туриб, бугунги демократик жараёнларни чуқурлаштириш, аҳолининг сиёсий фаоллигини ошириш, фуқароларнинг мамлакатимиз сиёсий ва ижтимоий ҳаётидаги амалий иштироки сингари мақсадларга эришиб бўлмаслиги алоҳида таъкидланган эди.

Қайд этилганидек, ўтган йиллар давомида юртимизда оммавий ахборот воситаларини янада либераллаштириш, сўз эркинлигини таъминлашга қаратилган мустаҳкам қонунчилик базаси яратилди. Жумладан, ушбу даврда оммавий ахборот воситаларини ривожлантиришга, соҳанинг самарали фаолият кўрсатишини таъминлашга йўналтирилган 10 га яқин қонун ҳужжатлари қабул қилинди.

Давра суҳбатида "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида"ги қонун лойиҳаси ҳақида сўз юритилди. Таъкидландики, мазкур қонун давлат ҳокимияти органлари фаолияти ҳақида жамоатчиликни хабардор қилиб бориш тартибларини аниқ белгилаб бериш, аҳолининг, жамоат бирлашмаларининг давлат ҳокимияти органлари томонидан қабул қилинаётган қарорлар ҳақидаги ахборотлардан кенг хабардор бўлиб боришини таъминлашни кўзда тутади.

Тадбирда ушбу жараёнда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ҳузуридаги матбуот хизматлари ходимларининг кенг билим ва дунёқарашга, пухта тайёргарликка эгалиги муҳим аҳамият касб этиши айтиб ўтилди. Айнан шуни инобатга олган ҳолда, ахборот хизматлари ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш лойиҳаси ҳаётга татбиқ этилган эди. Анжуманда ушбу лойиҳа доирасида малакасини оширган матбуот хизматлари ходимларининг бир гуруҳига сертификатлар топширилди.

**Ҳасан ТОШХЎЖАЕВ.**

# Электрон декларация — самарадорлик омили

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ўтказилаётган таҳлилларга кўра, ушбу сайт бошқа вазирлик ва идоралар веб-сайтлари орасида фуқаролар энг кўп мурожаат қиладиган етакчи сайт ҳисобланади.

Расмий сайтда 2011 йилдан бошлаб жисмоний шахсларнинг жами йиллик даромадлари тўғрисидаги декларацияни электрон шаклда тақдим этиш давлат интерактив хизмати тури жорий этилган бўлиб, бу солиқ тўловчиларга бир қатор қулайликлар яратмоқда. Ушбу афзалликлар боис биргина 2012 йил давомида 33 мингга яқин жисмоний шахслар жами йиллик даромадлари ҳақидаги декларацияни давлат солиқ хизмати органларига электрон тартибда тақдим этишган. Интернет орқали юборилган солиқ декларацияси электрон рақамли имзо билан тасдиқланганлиги сабабли, маълумотлар тўлиқ ҳимояланган.



Яқинда бўлиб ўтган "BestSoft — Uzbekistan — 2012" дастурий маҳсулотлар миллий кўргазмасида фуқароларнинг жами йиллик даромадлари тўғрисидаги декларацияни электрон шаклда тақдим этиш давлат интерактив хизмати "2011 йилда жорий этилган энг яхши лойиҳа", деб топилди.

Шу ўринда яна бир маълумот. Солиқ тўловчиларга қулайлик яратиш мақсадида Давлат солиқ қўмитаси томонидан яқинда тажриба сифатида яна бир хизмат тури ишга туширилди. Жорий этилган янги интерактив хизмат юридик ва жисмоний шахсларга SMS ёрдамида солиқ бўйича қарздорликлар тўғрисида маълумот олиш имконини беради. Шунингдек, тез кунларда амалга оширилиши кутилаётган истиқболли хизматлардан яна бири, бу — контрагент тўғрисида маълумот олиш имкониятидир. Ушбу хизмат тури ўзаро ҳамкорлик шартномаси тузиш истагида бўлган хўжалик юритувчи субъектларга бўлажак ҳамкори ҳақида муайян молиявий маълумот олишда бир қатор қулайликлар яратади.

Мухтасар айтганда, Давлат солиқ қўмитасида бугунги кунда ишончли электрон ахборот алмашинувини йўлга қўйиш ва шу орқали солиқ тўловчилар манфаатларини муҳофаза этиш изчил таъминланмоқда.

**Давлат солиқ қўмитаси**
**Ахборот хизмати.**



# Баркамоллик ва шижоат машъаласи

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Қувонарлиси, мамлакатимизда истиқлолнинг дастлабки кунларидан бошлаб ёшларимизнинг дунёда ҳеч кимдан кам бўлмай вояга етиши, қобилият ва истеъдодларини камол топтириш, халқаро фан олимпиадалари, нуфузли спорт мусобақаларида юксак марраларни қўлга киритишлари, қисқача айтганда, фарзандларимизга майдонни кенг очиб бериш мақсадида қабул қилинган умуммиллий дастурлар, амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар бугун ўзининг юксак натижаларини бермоқда. Юртимизда барпо этилаётган минглаб замонавий мактаблар, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари, олий ўқув юртлари, санъат, маданият ва спорт масканлари ана шу эзгу ишлар рўёбига хизмат қилаётир.

Айниқса, жисмоний тарбия ва спортнинг ҳар қайси шаҳар ва қишлоқ, ҳар бир хонадонга кириб боришига эришилгани диққатга моликдир. Бинобарин, бу соҳадаги барча ютуқларнинг пойдевори бўлмиш болалар спортини ривожлантириш орқали ёш авлод қалбида ирода, мардлик ва матонат фазилатларини тарбиялаш, соғлом муҳитни қарор топтириш борасида ҳаётга татбиқ этилаётган амалий чора-тадбирлар бугун жаҳон ҳамжамияти томонидан ҳам юксак баҳоланаётгани бежиз эмас.

Бу ҳақда гапирганда, мамлакатимизда шаклланган "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод" ва Универсиада спорт ўйинларини ўз ичига олган ҳамда дунёда ўхшаши йўқ уч босқичли ноёб тизимнинг миллионлаб фарзандларимизни ўз сафига қамраб олаётгани, уларнинг ҳам жисмонан, ҳам маънан соғлом бўлиб улғайиши учун хизмат қилаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Эътиборлиси шундаки, мазкур тизимнинг дастлабки босқичи — "Умид ниҳоллари" спорт мусобақалари ўғил-қизларимиз учун том маънода чиниқиш ва камолот мактабига, улкан парвоз майдонига айланган.

Уч босқичли спорт мусобақаларининг Олимпия ўйинларига қиёсан машъала ёқиш маросими билан бошланишида ҳам рамзий маъно бор, албатта. Зеро, Ватанимиз шаънини халқаро ареналарда, жаҳон ва қитъа чемпионатларида, нуфузли турнирларда ҳимоя қилишдек шарафли юмушга бел боғлайдиган аксарият спортчиларимизнинг олий мақсадлари рўёбга чиқишида камолот, шижоат ва баркамоллик байрамининг аҳамияти беқиёсдир.

Кези келганда шуни ҳам айтиш керакки, Паркентдаги каби ноёб иншоот жаҳонда иккита бўлиб, бири Франция жанубидаги Пиреней тоғларида жойлашган. Шу боис айрим халқаро мусобақалар заминимиздан кўр олган машъала билан бошлангани бизга алоҳида ғурур бағишлайди. Хусусан, 2002 йили Жанубий Кореянинг Пусан шаҳрида бўлиб ўтган XIV Осиё ўйинлари машъаласи Паркентда аланга олдирилгани фикримиз тасдиғидир.

Мусобақа машъаласининг дастаги ёнғоқ дарахти ёғочидан ишлангани — теран томирларимиз, бой тарихимиз, халқимизнинг мустаҳкам иймон-эътиқоди, иродаси, ақл-заковати рамзи, мустақиллигимизнинг боқийлиги белгиси. Ниҳол кўринишидаги шакллар юртимиз ёшларининг жисмонан ва маънан баркамол, Ватанимиз равнақига ҳисса қўшишга қодир инсонлар бўлиб вояга етишини англатса, Олимпия ҳалқалари эса уч босқичли спорт ўйинларининг фарзандларимизга Олимп чўққилари сари дадил интилиши учун яратилган кенг парвоз майдони эканига ишорадир.

...Майдонга тантанали мусиқа садолари остида юртимизнинг таниқли спортчилари, "Умид ниҳоллари — 2012" республика спорт мусобақаларининг бир гуруҳ иштирокчилари кириб келади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси янграйди.

"Умид ниҳоллари — 2012" спорт ўйинларининг порлаб турган машъаласини бокс бўйича ёшлар ўртасида кўплаб халқаро турнирлар совриндори, Сингапурда ўсмирлар ўртасида ўтказилган биринчи Олимпиада ўйинлари бронза медали соҳиби Сардорбек Бегалиев, шотокан каратэ-до бўйича Жаҳон кубоги ғолибаси, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори Зулхумор Бобоева ва шотокан каратэ-до бўйича Жаҳон кубоги ғолибаси Севара Абдулҳакимова майдонга олиб кирди. Машъалани улардан Паркент тумани транспорт ва сервис касб-ҳунар коллежи ўқувчиси Отабек Абдуқодиров қабул қилиб олади.

"Умид ниҳоллари — 2012" спорт мусобақалари машъаласи Навоий вилояти сари йўл олди.

Анъанага мувофиқ, машъала олиб ўтиладиган шаҳару қишлоқларда тантанали маросимлар, спортчиларнинг чиқишлари уюштирилади. Шунингдек, таниқли шоир ва ёзувчилар, санъаткорлар, кенг жамоатчилик вакиллари ҳамда ўқувчи-ёшлар иштирокида маънавий-маърифий тадбирлар машъалага ҳамроҳ бўлади.

**Ҳасан ТОШХЎЖАЕВ,**
**Ҳасан ПАЙДОЕВ (суратлар),**
**«Халқ сўзи» мухбирлари.**

## Интилиш

*Жорий йилнинг биринчи чорагида вилоятда тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш мақсадида тижорат банклари томонидан 50,9 миллиард сўмлик кредит маблағлари ажратилди.*

# Кўрсаткичлар икки баробарга ортади

Жумладан, "Нурли диёр" масъулияти чекланган жамияти банкнинг 100 миллион сўмлик кредити эвазига хорижнинг илғор технологиялари билан жиҳозланди. Ҳозир бу ерда саноат усулида 8 мингта товуқ парвариш қилинмоқда.

— Паррандачилик етти хазинанинг бири, — дейди корхона раҳбари Жамолиддин Жўрақулов. — Маҳаллий ёшлардан 20 нафарини бу ишга жалб этганмиз. Айни пайтда кунига 6 минг донагача тухум етиштириб, ички бозорга чиқараяпмиз. Корхонамиз тўла қувват билан ишлай бошлагач, бу кўрсаткич икки баробар ортади.

**А. ЗАРИПОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**


● Реклама ва эълонлар ●

**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ КУТУБХОНАСИ**

**Хизмат раҳбари, бош мутахассис, етакчи мутахассис, I тоифа мутахассиси бўш иш лавозимларига танлов эълон қилади.**

| Т/р | Тузилма номи | Штат бирлигининг сони |
|---|---|---|
| 1. | Фойдаланувчиларни рўйхатдан ўтказиш ва адабиётларни бериш хизмати | 8 |
| 2. | Ўқиш заллари хизмати | 20 |
| 3. | Маълумотнома-ахборот хизматлари кўрсатиш хизмати | 7 |
| 4. | Халқаро алоқаларни ташкил этиш хизмати | 2 |
| 5. | Электрон буюртмаларни мувофиқлаштириш ва ресурсларни масофага етказиб бериш хизмати | 4 |
| 6. | Ўқув залларининг ёрдамчи фондлари хизмати | 3 |
| 7. | Ахборот-кутубхона фондларини комплектлаш хизмати | 7 |
| 8. | Каталоглаштириш ва туркумлаштириш хизмати | 8 |
| 9. | Миллий библиография маълумотлари базасини шакллантириш хизмати | 10 |
| 10. | Қўлёзмалар, нодир ва алоҳида қимматга эга нашрлар хизмати | 4 |
| 11. | Ихтисослаштирилган фондларни ва мажбурий нусхани сақлаш хизмати | 6 |
| 12. | Китоб фондини ва даврий нашрларни сақлаш хизмати | 12 |
| 13. | Диспетчерлик хизмати | 7 |
| 14. | Илмий-методик ва тадқиқот хизмати | 4 |

**Иш ҳақи: асосий иш ҳақи + лавозим маошидан 75% миқдоригача махсус устама ҳақ.**

**Диққат!**

**I. Танловда қатнашишни хоҳловчилар қуйидаги ҳужжатларни 2012 йил 31 майга қадар шахсан ёки электрон почта орқали (navoi@natlib.uz) топширишлари талаб қилинади:**
**а)** директор номига ариза;
**б)** маълумоти ҳақидаги диплом ва сертификат нусхаси (асли суҳбатлашув куни тақдим этилади);
**в)** маълумотнома (намунаси илова қилинади);
**г)** 1 дона 4,5х6 ўлчамли фотосурат.
**II. Танловга тушган барча ҳужжатлар олдиндан ишчи комиссия томонидан кўриб чиқилади.**
**III. Комиссия билан суҳбатлашув Ўзбекистон Миллий кутубхонасида ўтказилади**
*(батафсил маълумот www.natlib.uz сайтида).*
**IV. Танловни ўтказиш муддати аризалар келиб тушишига қараб белгиланади.**

**Манзил: Тошкент шаҳри, Истиқлол кўчаси. Мўлжал — метронинг «Мустақиллик майдони» бекати, Маърифат маркази. Маълумот учун телефонлар: (8-371) 239-18-01, 232-83-98, 232-83-89.**

**Маъмурият.**

830А/497

**«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ**

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!***

Аукцион савдосига «Агробанк» ОАТБ томонидан, «Агробанк» ОАТБ бошқаруви йиғилишининг 2012 йил 4 январдаги 1/2-сонли қарорига асосан, «Агробанк» ОАТБ марказий аппарати балансидаги, Тошкент шаҳри, Бектемир тумани, Ҳусайн Бойқаро кўчаси, 4-«А» уйда жойлашган бино такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 2 800 000 000 сўм.***

Аукцион савдоси 2012 йил 7 июнь куни соат 11.00 да савдо ташкилотчиси «KO`CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ жойлашган манзил (Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-«А» уй)да бўлиб ўтади.

Талабгорлардан аризалар мазкур хабарнома эълон қилинган санадан бошлаб расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача савдо ташкилотчиси жойлашган манзилда қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2012 йил 5 июнь куни соат 18.00.

Юқоридаги мулк 2012 йил 7 июндаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдоси 2012 йил 14, 21 июнь кунлари соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2012 йил 14 июндаги такрорий савдо учун — 2012 йил 12 июнь куни соат 18.00, 21 июндаги савдо учун — 19 июнь куни соат 18.00.

Аукцион савдосида иштирок этиш учун ариза, закалат келишуви, закалат пули тўланганлиги тўғрисидаги ҳужжат нусхаси, юридик шахсларнинг гувоҳнома ва таъсис ҳужжатлари нусхаси, жисмоний шахслар паспорт нусхаси, вакил иштирок этганда, ишончнома тақдим этилади. Савдо ғолиби деб топилган шахсга 10 иш куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Мулк учун тўловни амалга ошириш шакли ва муддатлари сотувчи томонидан олди-сотди шартномаси тузиш вақтида белгиланади.

Мазкур савдода қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, объект бошланғич баҳосининг 1 (бир) фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини савдо кунига қадар «KO`CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖнинг ОАИТБ «Ипак йўли» банки «Сағбон» филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига келиб тушиши учун етарли бўлган муддатларда тўлашлари шарт: 20208000904920609114, МФО: 01036, СТИР: 207122519.

**Манзил: Тошкент ш., Олмазор тумани, 1-Қорақамиш к., 1-«А» уй. Тел.: (8-371) 228-80-23, 228-84-48.**

*Лицензия: RR-0001.*

855-1R/1441

**«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ**

***Фарғона вилояти филиали***

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!***

Аукцион савдосига Қува тумани СИБ томонидан, ЖИБ Фарғона шаҳар судининг 2009 йил 8 сентябрдаги 1-784-сонли ижро ҳужжатига асосан хатланган, «Қува Грант Стил» қурилиш-ишлаб чиқариш фирмасига тегишли, Қува тумани, «Намуна» ҚФЙ, Турк қишлоғида жойлашган Омихта ем, широт ва шелуха сотиш шохобчаси бино-иншоотлари такроран қўйилмоқда. Қурилиш ости майдони — 431,52 кв.м., фойдали майдони — 263,06 кв.м.

***Бошланғич баҳоси — 154 772 095 сўм.***

***Аукцион савдоси 2012 йил 13 июнь куни соат 14.00 да бўлиб ўтади.***

Савдога қўйилган бино-иншоотлар билан Қува тумани суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Талабгорлардан ариза ва бошқа ҳужжатларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2012 йил 11 июнь соат 18.00.

Аукцион савдоси юзасидан барча маълумотларни «KO`CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ Фарғона вилояти филиалининг (8-373) 224-68-69 телефони орқали олиш мумкин.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, савдо ташкилотчиси «KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ Фарғона вилояти филиалининг давлат-тижорат Халқ банки Фарғона вилояти филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000004920609011, МФО: 00497, СТИР: 200152960.

**Манзил: Фарғона ш., Бурҳониддин Марғиноний к., 35-уй. Расмий сайтимиз: www.1kms.uz**

*Лицензия: RR-0001.*

854R/1441

***Муҳтарам юртдошлар! Сиз учун имконият!***

«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ сизларга мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча турдаги кўчмас мулкларни, хусусан, ишлаб чиқаришга доир бино-иншоотлар ва тураржой биноларини оммавий савдога чиқаришда маслаҳат-консалтинг хизматларини кўрсатади ҳамда савдоларни қонуний ва сифатли ташкил этишда амалий ёрдам беради.

Кўрсатилаётган хизматлар «KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖнинг кўп йиллик тажрибага эга, малакали мутахассислари томонидан амалга оширилади.

*«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ сизнинг ишончли ҳамкорингиз бўлишини кафолатлаймиз.*

855-2R/1441

**Мебель анжомлари билан шуғулланувчи хусусий тадбиркорлар, ташкилотлар ва корхоналар раҳбарлари диққатига!**

**МИЛЛИЙ КИНОЛОГИЯ МАРКАЗИ**

**эҳтиёжи учун ишлаб чиқилган техник топшириқ асосида мебель анжомлари хариди юзасидан**

**танлов эълон қилади.**

***Миллий кинология марказининг ётоқхона мажмуаси хоналари учун техник топшириқ асосида қуйидаги мебель анжомлари харид қилинади:***
шкаф, тумба, каровот бир ўринли матрац билан, стол, стул, оёқ кийими учун жавон, юмшоқ мебель тўплами, ошхона гарнитури, ошхона столи.

**Танлов учун ваколатли қатнашувчилар ўз таклифларини қуйидаги манзилга тақдим этишлари мумкин: Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Қипчоқ 2-тор кўчаси, 9-уй. Маълумот олиш учун қуйидаги телефонлар орқали мурожат қилиш мумкин: (8-371) 257-74-99, 258-63-22.**

***Барча таклифлар Миллий кинология марказининг юқорида кўрсатилган манзилида эълон чоп этилган санадан бошлаб 30 кун мобайнида қабул қилинади.***

861А630

**DST-07**
**DESTAS**




**ТАКСОМЕТРЫ**

**Товар сертифицирован Узгосстандартом и внесен в госреестр РУ**

**Адрес: г. Ташкент, ул. А. Кадыри, 35. Тел.: (+998 71) 150-20-38, (+998 97) 428-11-10, 432-00-55. Факс (+998 71) 150-20-37. E-MAIL: avtokom@sks.uz**

777R/1126

**«ТОШКЕНТ ТРУБА ЗАВОДИ» ҚК**

**ўзида ишлаб чиқарилган маҳсулотни сотади.**

***(ҚҚС билан)***



**«Тошкент труба заводи» ҚК сизга шуни маълум қиладики, бизнинг корхона «API-5L» стандарти бўйича**
Ø325, Ø377, Ø426, Ø530, Ø630, Ø720, Ø820, Ø920, Ø1020, Ø1220, Ø1420, Ø1620 мм.гача, деворининг қалинлиги 6,0 — 24,0 мм. бўлган, электрпайвандланган, спирал чокли қувурлар ишлаб чиқаришни ўзлаштирди.

*Қувурлар Х42 мустаҳкамлик гуруҳи бўйича ишлаб чиқарилади.*
*Қувурлар 3845-65 ГОСТ бўйича гидравлик босимда синовдан ўтказилган.*

**Баҳоси — 1 тонна учун 3 950 000 сўм. Тўлов пул ўтказиш йўли билан.**

*2012 йилдаги эҳтиёжни йил чоракларига бўлиб беришингизни сўраймиз.*

**Телефонлар: (8-371) 241-31-72, 241-29-94. Факс: (8-371) 241-31-94.**

130R/97

«Ўзнефтгазқазибчиқариш» АКга қарашли

**«NEFTGAZQAZIBCHIQARISH-INJINIRING»**

**унитар шўъба корхонаси**

**2012 йилги молиявий фаолиятини аудит текширувидан ўтказишга аудитор компанияларини танловда қатнашишга таклиф этади.**
**Ҳисоб-китоб сўмда амалга оширилади.**

**Ўз тижорат таклифларингизни қуйидаги манзилга жўнатишингизни сўраймиз:**

**Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳкўчаси, 66-уй, «Ўзнефтгазқазибчиқариш» АК маъмурий биноси, 2-қават.**

***Маълумот учун тел./факс: (+99871) 235-45-82, 235-35-97.***

829А/529

**«САМАРҚАНД АВТОМОБИЛЬ ЗАВОДИ»**

**МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ**

**Самарқанд шаҳридаги «СамАвто» МЧЖ ҳудудида автополигон участкаси қуриш бўйича**

**танлов савдолари ўтказади.**

**Объектнинг бошланғич баҳоси:**
**— ҚҚС билан 2 863 462 034,4 сўм;**
**— ҚҚСсиз 2 386 218 362 сўм.**

***Тўлиқ маълумотни бизнинг қуйидаги сайтимиздан олиш мумкин:***

**WWW.SAMAUTO.UZ**

797R/578


Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси жамоаси Маънавий-маърифий ишлар бўйича проректор Қаҳрамон Қуранбаевга падари бузруквори **ҚЎЧҚОР** отанинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон "Маҳалла" хайрия жамоат фонди республика бошқаруви маҳалла тизими фахрийси **Шукур Салим ТЕМИРОВнинг** вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Геология ва геофизика институти жамоаси металлогения лабораторияси мудири, геология-минерология фанлари номзоди **Мухамет Мансурович МАНСУРОВнинг** вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ректорати ва касаба уюшма қўмитаси Сиёсий менежмент ва халқаро журналистика кафедраси доценти Муяссар Аҳмедовага акаси **Суръат АҲМЕДОВнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Мушоҳада

*Тўрт яшар қизини хиёбонга олиб чиққан ота фарзандининг атрофга катта қизиқиш, ҳайрат билан боқаётганини кўриб, ундан завқланади. Дилбандининг жажжигина қўлчаларини кафтлари орасига олар экан, унинг иссиқ тафти вужудини жимирлатади. Ота эмасми, фарзандининг келажакда ким бўлишию жамиятда қандай ўрин эгаллаши ҳақида ўйлар экан, халқимизнинг “Бир ўғилни тарбияласанг, шахсни камолга етказган бўласан, бир қизни тарбияласанг, бутун жамиятни тарбия қилган бўласан”, деган гапи нақадар топиб айтилганига амин бўлади. Бу ҳар биримизга таниш ҳолат, ҳар биримизни ўйлантирадиган масала ҳамдир.*

# Қалб гавҳари

Бугунги кунда фарзандларимизни, айниқса, қизларни жисмонан соғлом, маънан етук қилиб тарбиялаш, уларнинг етарлича билим ва малака олишлари учун барча шарт-шароит яратилмоқда. Зотан, Президентимиз ёш оиланинг мустаҳкамлиги, аввало, қизларнинг бирон бир мутахассисликни эгаллаб, ҳаётда ўзининг мустақил фикри ва ўрнига эга бўлиши билан бевосита боғлиқлигини таъкидлайдилар.

Бугун ёшлар таълим тизимининг барча босқичларига қамраб олинаётгани, айниқса, қизларнинг ижтимоий ҳаётимиздаги ўрнини мустаҳкамлаб, уларнинг мустақил яшашларига замин тайёрлайди. Бироқ, афсуски, қиз боланинг таълим олишида, ҳар томонлама соғлом вояга етишида айрим ота-оналар томонидан қабул қилинаётган пала-партиш қарорлар ҳам салбий таъсир кўрсатаётир.

— Оилада камол топаётган қиз гулга қиёсланади, — дейди гинеколог-шифокор Нодира Расулова. — Уни эҳтиёт қилмасак, озгина лоқайд бўлсак, кейин афсусланиб қолишимиз мумкин. Қиз бола, аввало, она. Она, табиийки, оиласининг мустаҳкамлиги, бўлажак фарзандининг соғлиғи, келажаги учун масъул. Шундай экан, унинг билим олишига етарлича шароит яратмасдан, тўғрироғи, унга имкон бермасдан эрта турмушга беришимиз тўғри бўлармикан? Кузатишларимдан мисол қилиб айтадиган бўлсам, эрта она бўлишнинг жуда кўп асоратлари бор. Бу фанда ҳам, амалиётда ҳам исботланган. Буни ота-оналарга атрофлича тушунтирганмиз, бироқ баъзилари бу борада “оғзи куйган” бўлишса ҳам, ўз билганларидан қолишмайди. Ота-оналарга, такрор бўлса-да, айтадиган гапимиз, оила қуришга ҳам руҳан, ҳам маънан тайёр бўлмаган қизларимиз тақдирига бефарқ бўлмайлик.

Оила — муқаддас. Турмуш қуришга аҳд қилган, аммо ҳаётнинг аччиқ-чучуги, пасту баландига бардош беролмаган баъзи ёшларнинг зумда ажрашишлари, оқибатда дунёга келган норасида фарзандларнинг икки оила ўртасида сарсон-саргардон бўлиб қолаётганликлари кишини ташвишлантиради.

— Оилалар билан ишлаш, хотин-қизлар манфаатларини ҳимоя қилиш фаолиятимизнинг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади, — дейди Учтепа тумани, Ҳожиобод маҳалласи диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Латофат Зупарова. — Айниқса, “Мустаҳкам оила йили” Давлат дастуридан келиб чиқиб, қизларни оилага тайёрлаш, ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг муаммоларини ҳал этиш доимий диққат-эътиборимиздадир. Ва, айтишим керак, бу борада олиб борилаётган саъй-ҳаракатларимиз ўзининг ижобий самарасини бераётир. Мисол учун, яқинда маҳалламиздан бошқа маҳаллага келин бўлиб тушган қизимизнинг оиласидан ажрашиши масаласини кўриб чиқдик. Қуда томон келинидан норози. Келинининг рўзғор юмушлари у ёқда турсин, ҳатто, битта фарзандини эплаб қаролмаслигини, ўғлини унга уйлантирганидан адашганини айтиб, ёш оилани ажраштирмоқчи. Келиннинг онаси эса қизини эрта турмушга бериб, унга нисбатан ноҳақлик қилгани, ҳеч бўлмаганда, бирон бир ҳунар ўргатмаганидан афсусда. Бевосита аралашувимиз боис бир ёш оила сақлаб қолинди, бир норасида гўдак етим қолмайдиган бўлди. Бу каби мисолларга фаолиятимиз давомида кўп бор дуч келганмиз. Шу боис қизларни оилага тайёрлаш, уларни турмушнинг арзимас икир-чикирларини енгиб ўтишга ўргатиш нафақат маҳалланинг, балки ҳар биримизнинг олдимиздаги долзарб вазифа бўлиши керак.

Шу ўринда яна бир мулоҳаза. Ўсмир ёшдаги қизларни тўғри тарбиялаш, уларнинг оиладаги, жамиятдаги мавқеини мустаҳкамлашга жиддий эътибор қаратиш, пировардида мамлакатимизда соғлом оила муҳитини шакллантириш бугунги кунда айни заруратдир.

— Қиз болага, аввало, она сирдош бўлади, — дейди психолог Раъно Ҳамидова. — Болаларининг ўсмирлик давридаги “инжиқликлари”га фақат онанинг сабри чидайди. Чунки бу даврда кимдир қайсар, яна кимдир одамови бўлиб қолади. Сал нарсага жаҳли чиқади. Бу — биологик жараён. Бу пайтда ота-оналар фарзандларини тушунишлари, уларга янада яқин бўлишлари керак. Айниқса, қизлар ҳиссиётга берилувчан бўлади. Катталарнинг танбеҳидан тез жаҳли чиқади, хаёлига келган ишларни ўйламасдан қилади. Бундай вақтларда уларга ёрдам беришнинг биргина йўли дўстлашишдир. Қолаверса, халқимизда “Қуш уясида кўргани ни қилади”, деган нақл бор. Оилада фарзандлар ота-онага қараб, тўғрироғи, улардан ибрат олиб, вояга етадилар. Яна бир ҳақиқат аёнки, бола тарбиясига унинг гўдаклигиданоқ эътибор қаратиш зарур. Бунда ота оилага нафақат моддий томондан, балки маънавий жиҳатдан ҳам ёрдам кўрсатиб, фарзандларига камарбаста бўлиши керак. Ана шундагина ота-оналар ва фарзандлар ўртасидаги турли келишмовчиликларга чек қўйилади.

Мухтасар айтганда, қизларнинг ижтимоий ҳаётимизда, қолаверса, оилада мустаҳкам ўрин эгаллашлари, аввало, уларнинг билим даражасига, оила муҳитига, аёлларимизнинг фаоллигига, кенг дунёқарашига, ақлу заковатига боғлиқ. Зеро, ўз ҳақ-ҳуқуқларини теран англаган хотин-қизларнинг интеллектуал салоҳияти нафақат оиласи, балки юртимиз манфаатларини муҳофаза этишда ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Бинобарин, давлатимиз раҳбарининг “Айни вақтда шуни алоҳида таъкидлаш керакки, оилани, ҳақиқатан ҳам, мустаҳкам оила қилиш, уни том маънода жамиятимизнинг ҳал қилувчи бўғинига айлантиришда хонадонларимизнинг чироғи, кўрки ва файзи бўлган сиз, ҳурматли аёлларнинг ўрни ва таъсирини ҳеч нарса билан ўлчаб, баҳолаб бўлмайди ва бу вазифаларни адо этишда мен сизларга, сизларнинг улкан салоҳиятингизга ишонаман”, дея айтган сўзларини яна бир бор қалб ва тафаккур тарозисига қўйиб, чуқур ўйлаб кўриш ҳамда тегишли хулоса чиқариш ниҳоятда зарур.

**Зиёда АШУРОВА.**

Қулайлик

*Янгиер шаҳридаги буюм бозори тўлиқ капитал таъмирдан чиқарилиб, муҳташам савдо мажмуасига айлантирилди.*

## Шаҳар иқлимига мос

600 миллион сўм эвазига бунёд этилган ушбу мажмуа таркибидан 60 дан ортиқ турғун савдо дўконлари ўрин олган. Шунингдек, бу ерда маиший ва сервис хизмати кўрсатувчи шохобчалар ҳам иш бошлади.

Таъкидлаш керакки, мазкур иншоотни лойиҳалаштиришда шаҳар иқлим шароити ҳам инобатга олинган.

**Ш. ХОЛМУРОДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**





• Реклама ва эълонлар •





**ОБ-ҲАВО** (23 май)

| Ҳудуд | Кечаси | Кундузи |
| --- | --- | --- |
| Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида | +16 +21 | +32 +37 |
| Бухоро ва Навоий вилоятларида | +16 +21 | +32 +37 |
| Тошкент, Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятларида | +15 +20 | +29 +34 |
| Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида | +16 +21 | +32 +37 |
| Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятларида | +15 +20 | +28 +33 |
| Тошкент шаҳрида | +15 +17 | +30 +32 |


Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 554. 91 284 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 233-52-55;*
*Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — С. Раҳмонов.
Навбатчи — Ю. Бўронов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 20.50 Топширилди — 21.50
1 2 3 4 5